



# ТИББИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 12 2020 YIL 24 DEKABR



## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Азиз устозлар ва талаба ёшлар!

Сизларни кириб келаётган янги – 2021 йил билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юртимиз фаровонлиги, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги барча ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

Ўтиб бораётган 2020 йил бутун дунёда бўлгани сингари, соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам гоят синовли давр бўлди.

Коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлашда ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш йўлида уларга чинакам меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиб, шифокорлик жасоратларини намоён эта олдилар. Шундай мураккаб вазиятда, ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, зиммаларидаги муқаддас бурчни виждонан адо этдилар. Шу маънода бу синовли давр бизларга бундан кейин ҳам ҳамжихатлик билан ҳаракат қилиш зарурлигини яққол кўрсатиб берди.

Шу ўринда тарих саҳифаларидан жой олаётган 2020 йил академиямиз ҳаётида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни бермоқда.

Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик, бир қатор ижобий ютуқларга эришдик. Қувонарлиси, янгидан янги илмий ишланма ва тадқиқотлар, ихтирочилик ишлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволash усуллари ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўткир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда. Аминманки, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби аъналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар, ўз фаолиятингизни ана шундай юксак мезонлар асосида ташкил этиб, олижаноб бурчингизни бундан буён ҳам шараф билан адо этасизлар”, деган сўзлари бизнинг интилиш ва мақсадларимизга мазмун бағишлаб, келгусида янада юксак марраларни эгаллашимизга туртки бўлади.

Кириб келаётган 2021 йилда ҳам академиямиз жамоаси улкан режаларни амалга ошириб, бир қатор хайрли тадбирларни ўтказиш ниятида.

Қадрли устозлар, мухтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талаба ёшлар, хурматли ходимлар! Кириб келаётган янги 2021 йилда Сизга, Сиз орқали оила аъзоларингизга ҳаммиша бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан!

Илмий, ижодий ишларингизга барака, интилишларингизга ривож тилайман. Сиҳат-саломатлик, шоду хуррамлик, бахту саодат барчамизга йўлдош бўлсин. Янги йилинги муборак бўлсин!

Хурмат билан

Тошкент тиббиёт академияси ректори  
Алишер ШАДМАНОВ

## МАҚСАДЛАРИ САРИ ОДИМЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги  
Давлат бошқаруви академияси  
павильони талаба-ёшлар  
билан гавжум бўлди.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева иштирокидаги тадбирда барча олий ўқув юрти талабалари сингари Тошкент тиббиёт академиясининг иқтидорли ёшлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Наргиза Юсупова, талаба:

– Барча олий ўқув юртлари сингари биз ҳам ўзимизга ажратилган павильонда 5 та муҳим ташаббус йўналишидаги ижодий ишларимиз акс этган кичик кўргазмани ташкил этдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева биз Тиббиёт академияси талаба-ёшлари билан самимий мулоқоти чоғида иқтидоримиз ва салоҳиятимизга алоҳида урғу бериб, бизнинг санъат ва маданият, ҳунармандчилик, китобхонлик, спорт ва соғлом турмуш тарзи тарғиботидаги иштирокимиз, компьютер технологиялари борасидаги ижодий қизиқишларимиз ҳақида сўради.

Таълим ва тарбиянинг самарали интеграциясини яратишда талабалар бундан-да фаол бўлиб, бўш вақтларини мазмунли, муҳими, фойдали машғулотларга сарфласа, ўзлаштирилаётган билимлар янада чуқурлашиб, олдимизга қўйган мақсадларимиз томон ҳаракатларимиз янада дадиллашади.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати раиси ташаббусларнинг янги йўналишларини ташкил этиб, юртимиз ёшларини янада жиқлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,  
Тошкент тиббиёт  
академияси матбуот  
котиби



Ҳикмат



Ҳайрат ҳавосини симириб тонгда,  
Офтоб кўролсанг бас, кўнгилда онгда,



Ҳикмат



## ШОИРЛАР ФАЙЛАСУФИ ВА ФАЙЛАСУФЛАР ШОИРИ РУҲИГА ЭҲТИРОМ

“Абдулла Орипов феномени назм ва насрдаги камёб ҳодисалардан биридир”

Абдусайд Кўчимов,

Ўзбекистон халқ шоири

**Миллатпарвар, юртпарвар давлатимиз раҳбари томонидан юрт тараққиётига, илм-фанга беқиёс ҳисса қўшган олимлар, фозиллар ва мутафаккирлар таваллудларини давлат миқёсида нишонлаш тўғрисида кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда.**

Жумладан, жорий йилнинг 2 декабрида юртбошимизнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Ушбу қарорга кўра, 2021 йил март ойининг охириги ўн кунлигида улуғ мутафаккир, файласуф шоир таваллудининг 80 йиллигини давлат миқёсида тантанали нишонлаш кўзда тутилган.

Абдулла Орипов феномени устоз шоир Абдусайд Кўчимов ёзганидек камёб ҳодисадир. Ўзбек шеърлятида унинг фалсафаси кенглиги, теранлиги, мушоҳадаларга бойлиги ва ўзига хос ижодий йўлини фақат улуғ валиюллоҳ Бобораҳим Машраб ижодига муқояса қилиш мумкин. Зеро, ҳар бир шеърда ибтидо ва интиҳо, кун фа яқун, сабаб ва оқибат, тасодиф ва қонуният, инкорни инкор этиш қонуни каби фалсафий концепцияларни назм ва наср усулида баён этиш, инсон ички дунёсини баайни ўткир руҳшунослардек баён эта олиш лаёқати камдан-кам шоир ва ёзувчилар чекига тушган. Абдулла Орипов айнан ана шундай ноёб иқтидор, муқобили кам салоҳият соҳибларидан бири эди.

Абдулла Орипов умри мобайнида баайни шайх Жалололдин Румий каби миллати, дини, эътиқоди, жинси, ёши ва ирқидан қатъий назар инсонни тараннум этиб яшади. Маҳаллийчилик, ичиқоралик, ҳасадгўйлик бу улуғ инсон учун ёт туйғулар эди. Мен 1996 йили устознинг бевосита хайрихоҳлигида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган кундан токи ҳаётларининг сўнгги йилларигача устоз – шогирдлик анъаналарини давом эт-

тириб, суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Устоз “Миллати, ирқи, жинси, динидан қатъий назар одамлар икки турга бўлинади: Инсонлар ва ноинсонлар”, деб таъкидлашни яхши кўрар эдилар. Ўзлари ҳам ана шундай ноинсонларнинг айримларидан азият чеккан ҳолларини гапириб берган, уларнинг айримларини “Мен кўрган улуғлардан” китобимга киритганман. Устознинг “Жаннатга йўл” драматик достони жаҳон адабиётининг энг нодир асарларидан бири сифатида эътироф этилган.

*Дунёнинг бу майда ташвиши нечун,  
Бари ўткинчидир, бари ноқерак.  
Тариқдай заминнинг устида беун,  
Яшаб ўтди шундай буюк бир юрак.*

Ёки

*Шу дам туйғуларга тўлади кўнглим,  
Титраб тарашлайман қаламим учин.  
Тонг ҳам ёришмоқда, эй менинг умрим,  
Бунчалар шиддат-ла шошасан нечун.  
Хазонлар шошади, шошаман мен ҳам,  
Дўстим, кучоғимга шошиб кел сен ҳам,*

каби ўлмас мисраларни ёзиш учун инсон ё Абдулла Орипов ёки Машраб бўлиши керак, учинчи варианти берилмаган.

Охириги ўн йилликда илму фанимиз, адабиётимиз кўплаб улуғлардан жудо бўлди. Ҳазрат шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов... Улар қаторида устози комил Абдулла Ориповни қисқа сатрларда эс-ладик. Ўзлари устозларига атаб ёзганларидек:

*Марҳум устозларим – Аҳли шуаро,  
Руҳимнинг оҳанги – суруридасиз.  
Бирингиз китоблар бағридасиз жо,  
Бирингиз Чиратоӣ ҳудудидасиз.*

Алижон ЗОҲИДИЙ,

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси,

Қутбиддин НИЗОМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси

## БОТИР ЗОКИРОВ ВА ШАРҚ МУСИҚАСИ

Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров  
таваллудининг 85 йиллигига

Ўзбекистон халқ артисти Ботир  
Зокиров беназир ижодкор эди.

У ўзбек эстрада санъатини юксак чўққига кўтариб, ҳаққоний равишда дунё эътирофига сазовор бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу бетакор санъаткорнинг 85 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим воқеадир. Атоқли ижодкорнинг ижодий меросига янгича ёнда-

шув, айниқса, ёш хонандалар маҳоратини юксалтиришда катта роль ўйнаши аниқ.

Ҳа, Ботир Зокиров миллий эстрада санъатимизнинг асосчиларидан бири, у Президентимизнинг қарорига қайд этилганидек, “замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор...”. Б.Зокиров айна пайтда Шарқ халқлари муסיқий санъатининг билимдон, дунё узра кенг тарғиботчиларидан эди.



...1996 йил ЎзМТРК таркибидаги “Тошкент халқаро радиоси”нинг Шарқ мамлакатлари учун эшиттиришлар таҳририятига ишга кирдим. Таҳририят низомига кўра, эшиттиришлар тайёрлаш асосида радио дастурлари қайси давлатга мўлжалланган бўлса, Ўзбекистон билан ўша мамлакат ўртасидаги турли соҳаларда, айниқса, адабий-маданий алоқаларга алоҳида ургу берилиши керак эди.

Айнан “Ботир Зокиров ва Шарқ муסיқаси” мавзуда шу шартни инобатга олиб, санъаткорнинг эронча кўшиқларини тинглаб, эшиттириш тайёрлашга киришдим. Эрон учун эшиттиришлар бўлимининг фахрийси Шавкат хоним Гударзий, диктор (айни вақтда эстрада хонандаси ва со-заңда) Борис Брейва, шунингдек, адабиётшунос Дилбар Рашидийлар Ботир Зокировга эронча кўшиқларни тайёрлашда тил ва услуб жиҳатдан маслаҳат берганликларини менга айтди.

(Давоми 3-бетда.)







## БОТИР ЗОКИРОВ ВА ШАРҚ МУСИҚАСИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Мен аввал Ашурли Жўраевнинг Ботир Зокиров ҳақидаги "Юрак буронлари" китобини мутолаа қилиб, сўнг Дилбар опанинг суҳбатига мушарраф бўлдим. Шарқ адабиётининг билимдони Д.Рашидий Ботир Зокиров ҳар бир сўзининг талаффузига алоҳида эътибор бериб, имлосини қайта-қайта такрорлаб, "ҳифз" этганини, бу ишга жиддий, юксак масъулият билан ёндашгани, шу тариха улар бир неча пластинка тайёрлагани ҳақида меҳр билан ҳикоя қилиб берди. Унинг айтишича, хонанда бошқа халқлар кўшиқларидаги ҳар битта сўзни то маъносини англамагунча, талаффузини ўхшатмагунча ижро этмасди.

Эшитириш эфирга узатилганидан сўнг, чет эл радиотингловчиларидан Ботир Зокиров истеъдодига юксак баҳолари ифодаланган хатлар кела бошлади. Хусусан, Б.Зокировнинг жозибали, майин ва сеҳрли овозида "Маро бебус" ("Мени ўп") таронаси ажойиб акс-садо, олқишларга сазовор бўлди. Шунингдек, Б.Зокиров ижросида "Араб тангоси", "Орзуларим машъали", "Ўтмишимга

йиглайман" арабча, "Мечали, мечали", "Дил орзу-си" ҳиндча, "Агар сен ёнмасанг" туркча ва бошқа халқ кўшиқлари ўзбек тароналари билан бирга жаҳоннинг нуфузли сахналарида янграб, унинг шуҳратига шуҳрат келтирган.

Айтишларича, буюк турк адаби Нозим Ҳикмат унинг кўшиқларининг шайдоси эди. Адибимиз А.Жўраевнинг ёзишича, "1957 йил Москвада бўлиб ўтган халқаро ёшлар ва талабалар фестивалида у ilk бор "Араб тангоси"ни ижро этган. Пластинкага ёзиб олинган бу кўшиқ яшин тезлигида дунё бўйлаб тарқайди ва унинг иқтидори шанавадалари томонидан ҳануз севиб келинади".

Таниқли ўзбек бастакори, машҳур "Раъно" кўшиғи муаллифи Икром Акбаров афғонча "Эй сарбон"ни Москвада пластинкага ёзилишига оид қуйдагиларни эслagan (Кўшиқ санъаткор Москва касалхонасида муолажа олаётган пайтда ёзилган экан): "Иккинчи операцияга тайёргарлик кўриб юрган кезларда ҳам нукул "ишлайлик", дерди. Баъзан шанба-якшанба кунлари врачлардан рухсат сўраб, уни уйимизга олиб келардик.

"Эй сарбон" кўшиғи шу даврда яратилди. У сўз

музыка оҳанглирига тушмагунча қайтараверарди". "Муҳаббат омаду олам дигар шуд" ("Муҳаббат келди-ю олам ўзгариб кетди") мисраси билан бошланадиган тожикча кўшиқ ҳам (Зиёдулла Шаҳидий куйи) юксак маҳорат билан ижро этилганини санъат усталари қайд этган. Машраб Бобоев бежиз ёзмаган: "Бир миллат вакили бошқа миллат санъатини ўхшатиши қийин, ammo Ботир Зокиров "Эй сарбон"ни куйлаганида саҳро машаққатларини тортардингиз, фарангча кўшиғида армонларни унутиб, дикир-дикир сакраб, "Маро бебус"да битта буса сўраб, қон йиғлардингиз".

Ҳа, Ботир Зокиров ўзига хос ижрочилик мактабини яратиб кетди. У кўшиқларидек нафақат ўзбек санъати мухлислари қалбида, балки бутун Шарқ дунёси муסיқаси шайдолари ёдида мангу яшайди. Санъаткор таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирлар, унинг номи билан очиладиган олий мактаб, ёдгорлик мажмуаси ва уй-музей, бошқа эзгу ишлар санъаткорнинг ижодий мероси янада оммавийлашига, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашда хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Шоқаҳқор САЛИМОВ,  
ЎЗА Шарҳловчиси

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби Ўткир Ҳошимовнинг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги ижодий меросининг улкан аҳамияти инobatга олинмоқда. Жорий йилнинг 2 декабрь куни Президентимизнинг адиб таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2021 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш борасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва жамоатчилик вакиллари қатор устувор вазифаларни белгилab олдилар.

2021 йил август ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбек Мил-

лий академик драма театрида Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш ишларини амалга оширилиши, адибнинг ўзбек тилидаги «Танланган асарлар»ини қорақалпоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарларини, шунингдек, «Ўткир Ҳошимов замондошлари хотирасида» китобини нашрга

Ҳошимов асарларининг билимдонлари», мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида адиб асарлари асосида иншолаб танловларини ўтказиш ишлари белгилab ўтилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов мустақил Ватанимизнинг адабиёти ва маъна-

бўлди", "Ер фарзандимиз", "Нур борки, соя бор", "Қуёш тарозиси", "Дунёнинг ишлари", "Сирли юлдуз", "Икки эшик ораси", "Ҳазина", "Икки қарра икки беш", "Нотаниш орол", "Изтироб", "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асарлари халқимиз орасида севиб ўқилиб, китобхонлар эътибори ҳамда эътирофига сазовор бўлган асарлардир.

Ҳар бир асарга кўз югуртирар эканмиз унда инсон қадри, обрўси, миллат шаъни, ғурур, чин инсоний ғоялар тараннумини қалбан ҳис этамиз.

Истеъдод пиллапояларини забт этган, ўткир қалам соҳиби, буюк адиб Ўткир Ҳошимов асарлари асрлар давомида ўзбек

адабиётининг ўчмас дурдонаси бўлиб қолажакдир. Адибнинг бой мероси келажак авлод учун муҳим маънавий сабоқ эканлиги барчамизга маълум. Инсон қалби бунёдкори, нодир сўз устаси Ўткир Ҳошимов ижодий мероси умрбоқийдир.

Нигора ҲАКИМОВА,  
Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

## УМРБОҚИЙ АСАРЛАР СОҲИБИ

**Катта истеъдод аввал халқ эътиборини сўнг меҳр-муҳаббатини ва ниҳоят халқ эътиқодини қозонади. Ана шундай ўткир қалам соҳиби, миллионлаб китобхонларнинг сеvimли адиби Ўткир Ҳошимов чин маънода адабиётимиз осмонидаги чақноқ қуёш эди.**



тайёрлаш ва чоп этиш ишлари жадаллик билан йўлга қўйилиши белгиланди. Жумладан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Дўмбиробод маҳалласидаги адиб яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш, Ўткир Ҳошимовнинг асарлари асосида спектакллар сахналаштириш ва янги фильмлар яратиш, пойтахтимиздаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номи бериш, республика ижод мактаплари ўқувчилари ўртасида «Ўткир

вий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Қарийб эллик йил давомида турли тилларда икки ярим миллионга яқин нусхада чоп этилган етмишдан ортиқ китоби адибни халқимизнинг ардоқли фарзандига айлантирди.

Шу пайтгача ёзувчининг "Пўлат чавандоз", "Гунафша", "Одамлар нима деркин...", "Бир томчи шудринг", "Баҳор қайтмайди", "Қалбинга қулоқ сол", "Узун кечалар", "Нимадир



Нарвонга чиқ нари кўринар,  
Кўнгил ичра бари кўринар.





## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ – ДАВР ТАЛАБИ

Ш.БОЙМУРАДОВ,

Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректори

**Шиддат билан ривожланаётган замонда инсоният нафақат кузатувчи, иштирокчи, балки унинг синовларига доимо бардош бериши лозим бўлади.**

Барчамизни хабаримиз бор 2020 йил бутун дунёда коронавирус инфекцияси яъни COVID-19ни кескин тарқалиши инсоният олдига жиддий синовларни қўйди. Мутлақо янги бўлган бу касалликни диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш, уни жорий қилиш, инсонларни ушбу балоладан асраш, қолаверса унинг асоратларининг олдини олиш масъулияти пайдо бўлди. Шундай даврда барча соҳалар каби таълим тизимида ҳам янги усулларни жорий қилиш, таълим бериш инструментларини трансформация қилишга тўғри келди. Шундай таълим бериш инструментларидан бири – бу информатсион технологиялар ёрдамида масофавий таълим беришдир.

Масофавий таълим бу биз учун янгилик эмас, балки биз кам эътибор берадиган, лекин ўта самарали тизимдир. Таълимнинг ушбу инновацион услуги хориж тажрибаларида кузатилиб, ўз ўрнини топган. Очiq университетлардаги масофавий таълимда ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишга қараганда 8–10 марта арзон. Масалан, Англияда турғун ўқишга 3000, масофавий ўқитиш орқали билим олишга эса атиги 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради.

Масофавий таълимни қўллаш олий таълимда фаолият кўрсатаётган педагоглардан ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) соҳасидаги янги билимларни эгаллаш, ўз устида доимий ишлаш, АКТ соҳасида тажрибаларини бой-

итиб бориш, уларни сақлаш, узатиш ҳамда амалий қарорлар қабул қилиш воситасига айлантириш талаб этилади. Масофавий таълимни биз таълим жараёнини АКТ ёрдамида педагог ва талаба мулоқоти масофадан туриб амалга ошириш ҳисобланади. Пандемия шароитида таълим шаклини масофавий турига ўтказилиши натижасида ўта самарали услуб эканлиги ўз исботини топди. Асосий масъулият мустақил таълимга тақалади, яъни талаба берилган материални мустақил эгаллаши шарт бўлади, унинг афзаллиги шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин. Таълимнинг ушбу турини ижтимоий аҳамияти шундаки, кўпгина йирик корхоналар мутахассислар малакасини оширишда ушбу услубдан фойдаланиб, йилига миллионлаб пул маблағларини тежамоқда. Бунда ўқитиш учун хоналар, доскалар, столлар ва бошқа ўқув қуроллари зарур эмас. Бутун дунёга тарқалган COVID-19 пандемияси туфайли барча олий таълим муассасалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 мартда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғига кўра, масофавий таълим беришга ўтган. Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) ҳам талабаларни ўқитишни масофавий шаклга ўтказди. Ушбу давргача тиббиёт академиясида таълимни электрон шакли MOODLE тизими платформасида жойлаштирилган материаллар асосида ўтиш режалаштирилиб иш бошлаганди. Ушбу MOODLE тизимида академияда фаолият юритаётган

барча 52 та кафедралар ўзларини ўқув услубий материалларини жойлаштириб, талабага уйга вазифа ва мустақил ишни бажариш талаби қўйилганди. ТТАни барча 675 профессор ўқитувчилари ва 4833 нафар талабалари масофавий таълим платформасидан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтказилди, ўқув режага асосан таълим бериш учун режалаштирилган даволаш, касбий таълим бўйича 65 та ўзбек ва рус тилларида, тиббий профилактика ва тиббий биология иши бўйича 45 та ўзбек ва рус тилларида, олий ҳамширалик иши каби йўналишларда 20 та ўзбек ва рус тилларида, жами 130 та фанлар бўйича ўқув услубий материаллар тизимга жойлаштирилди, ушбу фанлар бўйича оралиқ ва якуни назорат учун 10 мингдан ортиқ ўзбек ва рус тилларида тест саволлари, вазиятли масалалар, амалий кўникмалар киритилди, талабалар учун асосий ва қўшимча адабиётларни 3 мингга яқин руйхати киритилиб, улардан фойдаланиш манбалари кўрсатилди.

Пандемия даврида барча ўқув материаллари қайта кўриб чиқилиб, ушбу материаллар бойитиб борилди. Дастлабки кунларда ушбу тизимни ишлатишда дуч келган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида талабалар билан ижтимоий тизимлар яъни телеграм орқали мулоқот қилиб, вазифалар берилган бўлса, ҳозирги кунда талабага барча вазифалар тизимга юклатилади, талаба 24 соат давомида ўзига қулай вақтда кириб мустақил ишни амалга оширади.

(Давоми 5-бетда.)





(Боши 4-бетда.)

Республика бўйича олий таълимда тахсил олаётган талабалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровнома ўтказилди, уларнинг 80 фоизга яқин қисми таълимни анъанавий усулига ўтказиш тарафдори бўлишган, шундан сўнг, уларни анъанавий усулга таклиф қилдик. Талабалар оралиқ ва якуний назоратларни масофавий таълим тизими орқали бажаришган бўлса, 2020 йил 3 сентябрь кунидан бошлаб барча магистрлар анъанавий усулда ўқишни бошлашди, 1 октябрдан бошлаб эса барча магистр талабалари аралаш усулда баъзилари анъанавий таълим олишмоқда. Лекин семестр якуни бўйича барча

якуний назоратлар анъанавий усулда ўтказилиши белгиланди.

Ушбу тизимни афзалликларни шундан иборатки дарслар учун аввало коммуникация, масофавий таълим услубий материаллари, электрон ва одатдаги дарсликлар, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар (интернет саҳифа) электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиа электрон дарсликлар ва албатта, интернетга уланган компьютер керак бўлади. Яна бир афзаллиги шундан иборатки, бир вақтнинг ўзида тизимдан фойдаланувчиларнинг сонини аҳамияти йўқ. Вақт, сарф, харажат тежаллади, аудитория, маъруза заллари талаб этилмайди. ТТА кафедралари профессор-

ўқитувчилари маърузаларини ZOOM орқали ўқишни ташкил қилишди, бундан ташқари, видеомаърузаларни яратиш, уларни тизимга жойлаштиришмоқда, бу ҳам ўта самарали бўлиб, талаба маърузани бир неча марта қайта-қайта тинглаш имконияти яратилади.

Бугунги кунда таълимни аралаш тури яъни “Blended Learning” жорий қилинди, яъни анъанавий ўқиш билан электрон шаклда мустақил ўқишнинг интеграцияси амалга оширилмоқда. Ушбу тизимни афзалликларини санасак улар жуда кўп ва самарали, лекин шифокорлик касбини эгаллашни ис-таган талабалардан нафақат назарий, балки амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаш

талаб этилади, шунинг учун масофавий ўқитишда талаба амалий кўникмаларини бажариш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундан ташқари, бемор билан ва соғлом инсонлар билан мулоқот қилиш кўникмалари, ўз фикрини аудиторияда ўтирган инсонларга баён қилиш каби кўникмаларни эгаллаш имконияти чегараланади.

Умуман олганда масофавий таълимни оммавийлашиб бориши, унинг доимий такомиллаштирилиши, бу педагоглар ва талабаларга анча қулайликлар туғдиради, масофавий таълимнинг усулларини доимий такомиллаштириб, уни тўлиқ эгаллаш келажак кадрлари учун муҳим ва ўта самарадор усул ҳисобланади.

## КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

**Маълумки республикамизда иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм-фанга бўлган интилишини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислохотларни тизимли амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келинади.**

Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор фармонлар ҳам ўғил-қизларимизни янада билим-ли бўлишларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўқувчи-ёшларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва тахлилий фикрлашни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни, уларни фан олимпиадаларида иштирокини таъминлашда бу каби чора-тадбирлар муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ўқувчиларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, ватанпарварлик, изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг бош мезонига айланмоқда.

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Сардорхон Гаибназаров Нурсултон шаҳрида ўтказилган “МДХнинг энг ёш олими–2020” халқаро танловида 14 мамлакат ичидан Биология фани йўналишида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади МДХ давлатларининг олий таълим муассасалари талабаларини қўллаб-қувватлаш, илм-фан техника ривожланишига ҳисса қўшаётган ёшларни аниқлаб, уларни муносиб рағбатлантириш ҳисобланади.

Танлов натижаларига кўра, Сардорхон Гаибназаров илмий ишлари, қўлга киритган ютуқлари ва танлов даво-

мидаги саралаш жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда 1-ўринга муносиб деб топилиб, “МДХнинг ёш олими” кўкрак нишони ҳамда 1 даражали диплом билан тақдирланди.

Ёшликдаги олинган билим, тинмай изланиш келажак учун қўйилган тамал тоши албатта ўз мевасини йиллар давомида бериб боради. Илм чўққиларини забт этиш борасида академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Акбарбек Холиқов Менделеев номидаги Россия химия-технология Университети томонидан таъсис этилган XVIII Халқаро масофавий олимпиадада фахрли 1-ўрин билан тақдирланди. Ўқувчимизнинг бу ғалабаси билан юртимиз байроғини юқорига кўтариш билан бирга Россия давлатидаги барча химияга ихтисослашган ОТМларга имтиёзли кириш имконини қўлга киритди.

Акбарбек, Сардорхон чин маънода Янги Ўзбекистоннинг эртанги эгаларидир. Келажак тиббиёти мана шундай эртани эгалари қўлида эканлиги ҳар биримизда ифтихор ва ғурур туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

**Анвар ШЕРМУРАТОВ,**  
ТТА академик лицейи директори

Ҳикмат



*Ҳамроҳни сен ўзинг каззоб танласанг,  
Тақдирда не гуноҳ, азоб танласанг.*



Ҳикмат



## Бугунги кунда аёлларимиз ҳам оилада, ҳам жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга. Шунингдек, улар ҳар бир соҳада ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан обрў-эътибор қозонмоқда.

Ана шундай инсонлардан бири Тошкент тиббиёт академиясининг тиббий-педагогика факультетига қарашли 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори, ҳурматли олима, жонкуяр устоз Наима Насриддинова ҳисобланади.

Наима Насриддинова 1940 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1958 йили Тошкентдаги 9-ўрта мактабни олтин медал билан, 1964 йили Тошкент Давлат Медицина институтининг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тугаллади. 1964-1972 йиллар мобайнида ТошДавМИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти, 1972-1988 йиллар мобайнида кафедра доценти лавозимларида фаолият кўрсатди. 1972 йили тиббиёт фанлари доктори, профессор Н.Исмоилов раҳбарлигида “Ошқозонга Тошкент минерал сувининг таъсири” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. 1988-1996 йилларда ТошДавМИ поликлиника хизмати кафедраси мудир бўлиб ишлади. 1994 йилда “Юрак ишемик касаллиги ва алкоғолли кардиопатия” мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди. 1996-97 йилларда УАШ кафедраси профессори, 1997 йилдан 2005 йилгача биринчи ТошДавТИ стоматология факультетининг ички касалликлар ва гериятрия курси мудир, 2005 йилдан ҳозиргача Тошкент тиббиёт академияси тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Насриддинова иш фаолияти давомида ички касалликлар пропедевтикаси фанидан ўқув дастурлар тузишда фаол қатнашиб келмоқда. У кишининг бевосита раҳбарлиги остида ушбу фан бўйича Давлат стандарти асосида Намунавий ва ишчи дастурлар, маърузаларнинг янги электрон

ва мультимедиа вариантлари ишлаб чиқилди. 55 йиллик педагогик фаолияти даврида 30 мингдан ортиқ ёш мутахассисларни тайёрлашда қатнашди. Жонкуяр устоз республикамизда гериятрия хизматининг йўлга қўйилишида ташаббускорлардан бири ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида гериятрия масалаларига бағишланган кўплаб анжуманлар, семи-

опонентлик қилган. Бундан ташқари, профессорнинг 180 та илмий ишлар ва 40 дан ортиқ ўқув-услубий кўрсатма ва кўлланмалар ҳамда кўплаб илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган. Айниқса бу борада олиманин “Шифо-инфо” газетасининг таҳрир аъзоси сифатида олиб бораётган иши диққатга молик. Ўз соҳасининг етук мутахассиси томонидан тайёрланган соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликларнинг олдини олиш бўйича, овқатланиш тартибига риоя қилиш, ва геронтологияга бағишланган мақолалари газетхонлар томо-

график институтининг “Олтин медали” билан мукофотланди.

Ҳозирги замон педагогининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлиги, ғоявий эътиқодлиги, ўз касбини севиши, бу касбга нисбатан чексиз садоқат уни бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Зеро, педагог фақат ўз талабаларининг онгига мурожаат қилибгина қолмай, балки, уларнинг ҳистуйғуларига, иродасига таъсир кўрсатиб, актив фаолиятга ундайди, бунинг учун эса у яхши психологик ва педагогик билимларга эга бўлиши зарур. Н.Насриддинова ўзининг маърузаларида аниқ билимлар юзасидан билимлар тизимини беради, фан ва техника янгиликлари билан таништириб, унинг муаммо ва истиқболлари ҳақида тушунарли, содда талқин қилади. Бу эса талабаларни мустақил фикрлашга ўргатади ҳамда уларда илмий дунёқарашни шакллантиради.

Наима Набиевна талабчан раҳбар, жонкуяр педагог, ўз ишига садоқатли, эътиборли, ёшларнинг доимий маслаҳатчиси ва ғамхўр устози, шу билан бирга самимий ва камтарин инсон сифатида академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ҳамда талабалар орасида катта обрў-эътиборга сазовор, улар ҳурматини қозонган.

Бу йил ҳурматли устоз ўзларининг 80 йиллик муборак ёшини қаршиладилар. Биз ҳам ўз навбатида қалби пок, умр мазмуни ўз касбига фидойилик билан йўғрилган инсон – Наима Набиевна Насриддиновага мустақам соғлиқ, эзгу ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз!

Зеро, таъкидланганидек: “яратганининг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади...”.

**Шоира ҚОДИРОВА,**  
тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси

## Ўз касбининг фидойиси УМР МАЗМУНИ...



нарлар ўтказилди, гериятриянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалари, маърузалари ва “Гериятрия в деятельности врача общей практики” монографияси ва ўзбек ва рус тилларида, “Хоспис тўғрисида” рисоалари чоп этилди. Геронтолог сифатида Женева, Будапешт, Москва шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган.

Н.Насриддинова талабчан олима сифатида ёш мутахассисларни тайёрлашда ҳам иштирок этмоқда, у киши раҳбарлигида 2 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган ва кўплаб номзодлик ва докторлик ишларига

нидан зўр қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Олима жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. 22 йил мобайнида 1-ТошДавТИ хотин-қизлар кенгаши раиси ва ХДРП котиби сифатида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг терапия бўйича аттестация раиси ўринбосари ва Тошкент шаҳар “Аёллар қаноти” уюшмаси аъзоси ҳам ҳисобланади.

Профессор Н.Насриддинованин тиббиёт фанига қўшаётган ҳиссаси эътироф этилиб, тиббиёт-техника энциклопедиясига киритилди, бир неча бор Фахрий ёрликлар ва 2000 йили АҚШнинг “Аби” халқаро био-





## НЕМИС ОЛИМИ “ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ ПРОФЕССОРИ” УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛДИ

**III Марказий Осиё радиоонкология конгрессида саратон касаллигига қарши курашда самарали натижаларга эришиш учун клиник амалиётдаги илғор илмий ютуқлар ва мукамал тиббий технологияларни бирлаштириш, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолиш учун барча халқаро тажрибаларни синтез қилиш масалалари муҳокама марказида бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг “OPASCA German Oncology Solutions GmbH” компанияси, унинг Тошкентдаги “OPASCA GOS Central Asia” шўъба компанияси, “Progressive medical service” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган конгрессда Ўзбекистон, Германия, Россия, Австрия, Хитой, Монголия, Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Польша каби мамлакатлардан онколог, физик-радиологлар ва мутахассислар иштирок этди.

Конгрессда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов, Германиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Гюнтер Лео Оверфельд, Германиядаги “OPASCA German Oncology Solutions GmbH” компанияси бош директори Алексей Свердлов ва бошқалар Марказий Осиё радиоонкология конгрессининг аънаёнага айланаётгани маҳаллий ва хорижий олимларни онкология соҳасида ўзаро ҳамкор ишлашга

катта имконият яратётганини қайд этди.

Мамлакатимиз, қолаверса, Марказий Осиёда радиоонкология соҳасини ривожлантириш мақсадида учинчи мартаба ўтказилаётган мазкур конгресс шу йўналишда халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда замонавий нур терапияси усуналари билан яқиндан танишиш учун катта имкон яратмоқда. Айниқса, унда кўплаб халқаро давлатларининг иштироки Ўзбекистон тиббиёти раванги учун жуда муҳимдир.

– Онкология ва радиология соҳасидаги етакчи мутахассисларни бирлаштира олганимиз биз учун катта шараф. Конгрессда дунёнинг нуфузли экспертлари иштирок этди. Ушбу конгресс платформаси йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу эса онкология масалалари бўйича тажриба алмашишга имкон беради. Бу йил сафимизга яна Австралия, Австрия, Озарбайжон, Хитой, Мўғулистон, Нидерландия, Польша, Корея Республикаси, Че-

хия ва Жанубий Африка каби мамлакатлар вакиллари ҳам қўшилди. Муҳими, Ўзбекистоннинг янги сиёсий воқеликлари тиббиётни ривожлантириш учун янги истиқболларни очмоқда. Дунёда “COVID-19” тарқалиши натижасида юзага келган қийин вазият туфайли конгресс форматини онлайн режимга ўтказдик. Шунга қарамай, иштирокчи-олимлар соҳа ривожини учун қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этгани, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашгани бизни қувонтирди, – деди “Progressive medical service” компанияси раҳбари Артём Покачалов.

Конгресснинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, унда 2018 йил ўтказилган I Марказий Осиё радиоонкология конгрессида раислик қилган немис олими Фредерик Венц онкология соҳасидаги ўзбек-немис илмий алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори” унвонига сазовор бўлди.

– Бундай эътироф мени жуда

қувонтирди, – деди Фредерик Венц. – Мен Ўзбекистонлик олимлар билан илмий-амалий алоқаларни мустаҳкамлашга доим тайёрман. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори тиббиёт, хусусан, онкология соҳасида катта ишлар қилинмоқда. Буни биз ўтказилаётган ушбу аънавий конгрессда ўзбекистонлик олимлар билан мулоқот чоғида янада яқиндан танишмоқдамиз. Истагим шуки, икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар янада мустаҳкамланаверсин.

Конгресс якунида Марказий Осиёда онкология касаллигини даволаш ва унга қарши курашишда соҳани ривожлантиришда халқаро тажрибани қўллаш ҳамда тиббий хизматни яхшилашда замонавий усуналарни амалиётга татбиқ этиш бўйича ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди. Навбатдаги – тўртинчи конгресс 2021 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ НЕГИЗИ

**Дарҳақиқат, ҳар бир талабани пухта илмий-назарий билимлар билан қуролланган, эгаллаган илмий билимларини амалий фаолиятда қўллайдиган, кўникма ва малакага эга бўлган ҳолда тарбиялаш осон иш эмас.**

Бу ўринда таълим-тарбия ва ўқишга масъулият билан ёндошадиган, мустақил фикрлайдиган, мукамал маълумотларни эгаллашга эҳтиёжли, билиш фаоллиги ва ақлий меҳнат маданиятини ўзида мужассамлаштирган педагогларни шакллантириш ҳамда вояга етказиш бугунги кунда давлат аҳамиятидаги муҳим вазифалардан бирidir.

Мукамал тарбия натижаси инсоннинг ахлоқида намоён бўлади. Баъзида эса тарбиядаги эътиборсизлик энг катта ва ечимсиз муаммоларни келтириб чиқаради. Бир сўз билан айтганда ёшларни зарарли иллатлар – гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, нашавандлик ва ҳоказоларга берилишидир.

Тиббиёт олимлари томонидан ўсмирларни тамаки чекиш таъсиридаги кузатиш натижасида олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, айнан шу даврда бола тарбияси жараёни мураккаблашади, уларнинг зарарли одатларга берилиши оқибатида организм иммун

тизимига нисбатан турли акс таассуротлар кучайиб боради.

Ўсмирлар тарбиясининг издан чиқиши энг кичик нарсалардан бошланади. Масалан, тамаки чекиш зарарли иллатларнинг кейинги bosқичларига ўтишда зина вазифасини бажариши сир эмас. Шу ўринда ёшларимиз нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам жиддий ўзгаришларга учрамаслиги учун бу каби зарарли иллатларга қарши кураш қанчалик эрта бошланса шунчалик яхши.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги экологик жиҳатдан ўта нозик бўлган бир даврда зарарли одатларга берилиш натижасида бола иммун тизими фаолиятида қучур бузилишлар келиб чиқади, ва организм турли касалликлар, шу жумладан, ОИТС, сил, ўсмалар, аллергия ва бошқа касалликлар олдидан ниҳоятда ожиз ҳолга келиб қолади. Ачинарлиси эса кейинчалик турли хил оғир, сурункали касалликлар ривожланади.

Талабаларимизнинг соғлом турмуш тар-

зига муносабати, Ватанга, илм олишга бўлган иштиёқини янада кучайтириш мақсадида Академия нашриёт марказида “Талабалар ижодий фаолиятида илмий нашрларнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Талабалар бу борада ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Давра суҳбати қизиқарли, таассуротларга бой тарзда бўлиб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, зарарли одатларга қарши курашни аввало оила, маҳалла, билим даргоҳлари ва катталардан бошламоқ керак. Бунинг учун халқ таъбири имкониятларини ҳам ишга солмоқ, оммавий ахборот воситалари орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш лозим. Ёшлар орасида зарарли иллатларнинг кенг ёйилиб, хатарли тус олишига бефарқ бўлмастик ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчидир.

Л.РАХМАНОВА,

ТТА 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори





# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2020 йил декабрь)

## Доцент

Даволаш факультетининг “2-сон болалар касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “Асаб касалликлари, тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

## Катта ўқитувчи

Даволаш факультетининг “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Информатика ва биофизика” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Фтизиатрия ва пульмонология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Онкология” кафедраси

## Ассистент

Даволаш факультетининг “Патологик анатомия” кафедраси

Даволаш факультетининг “1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси билан” кафедраси

Даволаш факультетининг “2-сон болалар касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Информатика ва биофизика” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Дерматовенерология” кафедраси

**Эълон қилинган кундан бошлаб ҳужжатларни бир ой давомида  
ТТанинг девонхона бўлимига топширилиши керак.**

**Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOVOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,  
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul**  
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади